

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ШАРИПОВ САНЖАР СОБИРОВИЧ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПАТРУЛЬ-ПОСТ ХИЗМАТИ  
САФ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Шарипов Санжар Собирович**

Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг  
фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш..... 3

**Шарипов Санжар Собирович**

Совершенствование управления деятельности строевых подразделений  
патрульно-постовой службы органов внутренних дел..... 25

**Sharipov Sanjar Sobirovich**

Improving the activity management of patrol and guard service combat units  
of the internal affairs bodies ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ШАРИПОВ САНЖАР СОБИРОВИЧ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПАТРУЛЬ-ПОСТ ХИЗМАТИ  
САФ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Yu374 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич**  
юримдик фанлар доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Селиманова Светлана Михайловна**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Нематов Жўрабек Нематиллоевич**  
юримдик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Божхона институти**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 5 декабрь куни соат 12:00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (71) 265-22-52/ (71) 265-17-53; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (116-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.Тел.: (71) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2020 йил 24 ноябрь куни таркатилди.

(2020 йил 24 ноябрдаги 27-рақамли реестр баённомаси).



**А.С. Турсунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

**Дж.Х. Юлдашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Р. Кабулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё давлатлари шаҳарларининг шиддат билан ривожланиб, тобора замонавий қиёфа акс этириб бораётгани унинг марказий кўчалари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини замон талаблари асосида таъминлашни тақозо этмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилнинг ўзида аксарият ривожланган давлатларда кўча жиноятларининг умумий жиноятлардаги улуши ўртача 20,1 фоизни ташкил этгани ва кўрсаткич ҳар йили ўсиб бораётганини, бу борада биргина Россиянинг ўзида 2019 йилда қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга шикаст етказиш, зўрлаш, талончилик, ўғрилиқ, безорилик каби жиноятларнинг ўртача 34,1 фоизи жамоат жойларида содир этилганлигини кўрсатмоқда<sup>1</sup>. Маълумотларга кўра, бугунги кунда АҚШ, Франция, Италия ва Германия каби ривожланган хорижий давлатлар полиция хизмати шахсий таркибининг 60-75 фоизини ташкил этувчи патрулик хизматлари томонидан ҳар йили жамоат жойларида ҳуқуқбузарлик содир қилган шахсларнинг ўртача 25 фоизи қўлга олинади<sup>2</sup>.

Жаҳонда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, бу борада патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш муаммоларини ўрганишга оид илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлашда патрулик хизмати томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш, патрулик хизматларини янги авлод технологиялари ва дастурий тизимлар билан таъминлаш орқали уларнинг иш самарадорлигини ошириш ҳамда хизмат фаолиятини мақсадга мувофиқ моделлар асосида ташкил этиш (моделлаштириш) каби масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ушбу соҳада «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати бўлинмаларининг тезкорлиги ва самарадорлигини таъминловчи моддий-техник жиҳозланиши даражасини мустаҳкамлаш; замонавий илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан давлат хизматлари сифатини яхши-лаш кабиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштириш» устувор вазифалар сифатида белгиланган. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг кўча ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашдаги фаолиятини замон талаблари асосида ҳуқуқий, ташкилий-тактик, моддий-техник ва кадрларга оид асосларини такомиллаштириш орқали уларни бошқаришнинг самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

<sup>1</sup> Бухтоярова Н.А., Семеник Д.П. Уличная преступность и ее предупреждение // «Молодой учёный». 2019. – № 51. – С. 73.

<sup>2</sup> Федченко А. Организация деятельности патрульной службы полиции зарубежных стран по сравнению с работой милиции украины // <http://www.info-library.com.ua/libs/stattya/6399-organizatsiya-dijjalnosti-patrujnoyi-sluzhbi-politsiyi-zarubizhnh-krayin-porivnjano-z-robotuju-militsiyi-ukrayini.html> (мурожаат вақти: 15.06.2019).

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон (2017 йил 10 апрель) фармони, «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2940-сон (2017 йил 1 май), «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4075-сон (2018 йил 24 декабрь) қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ички ишлар органлари, хусусан патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг айрим жиҳатлари мамлакатимизнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотларда маълум даражада ўрганилган. Хусусан, ички ишлар органлари бошқарувига оид масалалар Ҳ.Р. Алимов, И. Исмаилов, Б.Э. Қосимов, Ў.Х. Мухамедов, Ҳ.Т. Одилқориев, Ю.С. Пулатов, З.Р. Рўзиев, У.Т. Таджиханов, А.С. Турсунов, И.А. Хамедов, О.Т. Хусанов каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган.

Бевосита патруль-пост хизмати саф бўлинмалари тизими, фаолиятининг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, бошқа субъектлар билан ҳамкорлиги (И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев), оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, бу борада патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этиш (С.Т. Ахмедова), уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларнинг олдини олишдаги иштироки (Ж.С. Мухторов), назорат-лицензия тизимини таъминлашдаги роли (С.М. Селиманова), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари (З.Р. Рўзиев) билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Хориж олимларидан А.Н. Бадмаев, М.В. Сергеев, В.Л. Симонов, Ч.Д. Ҳейл, Ю.И. Осипов, О.В. Десятова, А.В. Готовцев, А.Р. Гегамов, З.С. Федорович, А.А. Савостин, Ж.М. Гау, Д. Кодй Гаинес, Юе Зҳанг, Д.Е. Бровн, К. Стром, С.Н. Шишкарёвлар томонидан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тизимлари, хусусан унда патруль-пост хизматини бошқаришнинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тизимида амалга оширилган ислохотлар натижаларини, амалдаги қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиётини, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқариш масалалари махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда маъмурий юрисдикциявий фаолиятини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«жамоат тартиби», «жамоат хавфсизлиги», «патруль-пост хизмати» ва «патруль-пост хизмати саф бўлинмалари» тушунчаларини таҳлил қилиш асосида уларнинг моҳиятини батафсил очиқ берувчи таърифларни ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришнинг ҳуқуқий, ташкилий-тактик, моддий-техник ва кадрларга оид асосларининг самарали механизмларини жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришнинг амалиёт натижаларини таҳлил қилиш асосида мазкур фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришга доир хориж мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва миллий тизимга татбиқ этиш юзасидан тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқариш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот предметини** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти ҳамда юридик фандаги концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўрови, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, тизимли ёндашув, мантиқийлик усулларида кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

туман (шаҳар)лар миқёсида жамоат жойларида ва алоҳида шароитларда шартномавий-ҳуқуқий асосда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг

фаолиятини ташкил этишга доир маҳаллий ҳокимликларнинг ваколатларини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий асосларини яратиш зарурати илмий асослаб берилган;

маъмурий ҳудудларнинг жўғрофий, ижтимоий-иқтисодий, демографик ва криминоген хусусиятларини инобатга олган ҳолда, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядлари турини танлаш, жойлаштириш, манёвр қилиш ва фаолиятини ташкил этиш имконини берувчи бошқарув моделларини амалиётга жорий этиш, хусусан Тошкент шаҳри ва бошқа катта шаҳарларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича отлич патруль отрядларининг вазифаларини аниқ белгилаш зарурати ва аҳамияти асослантирилган;

ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини моддий-техник жиҳатдан такомиллаштиришда нарядларни бевосита ушбу тизим учун ихтисослаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган автотранспорт воситалари билан таъминлаш, замонавий янги авлод махсус техник воситалари билан тизимли равишда қуроллантириш, иш унумдорлигини оширувчи дастурий технологияларни фаолиятга кенг жорий этишни устувор йўналишлар сифатида белгилаш зарурати илмий асосланган;

патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти натижаларини баҳолаш мезонларини ҳуқуқий белгилаш, тизимга интеллектуал ва касбий салоҳияти, маънавий-ахлоқий савияси юқори, дунёқараши кенг ходимларни танлаб олиш имконини берувчи махсус-профессional танловни жорий этиш зарурати асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг айрим буйруқларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги буйруқ лойиҳасининг қабул қилиниши идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни замон талабларига ва қонунда белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунига қўйиладиган талабларга мослаштиришга, мотоцикл ва велосипедларда патруллик қилишнинг мустақил патруль тури сифатида ҳуқуқий мақомини белгилашга ҳамда мутахассислик йўналиши бўйича кўп йиллик сафдорлик лавозимида фаолият юритган, жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига муносиб ҳисса қўшган ходимларга, тегишли ихтисослик фани бўйича халқаро ва Республика фан олимпиадаларининг ғолиби бўлган, давлат мукофотлари билан тақдирланган номзодларга имтиёзлар яратиш орқали соҳани профессионал кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Олинган илмий натижалар асосида тайёрланган «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари», «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини бошқариш» каби ўқув қўлланмалар ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришнинг тавсифига оид илмий нуқтаи назарлар ва методологик-услугий ёндашувларни мукамаллаштирган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ меъёрлари, хорижий давлатлар ва миллий қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг илғор ҳамда ижобий тажрибалари,



эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили, социологик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш орқали асослантирилган. Ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилган, тадқиқот натижалари хорижий ва миллий етакчи нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган. Диссертация иши доирасида ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг 530 нафар нарядлари ҳамда фаолиятни бошқаришга масъул бўлган 115 нафар раҳбар ходимлари ўртасида ўтказилган социологик сўров натижалари таҳлил қилинган ва умумлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришни тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, қонун нормаларини шарҳлашда, «ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти», «ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш», «ички ишлар органлари фаолияти», «патруль-пост фаолияти» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, илмий-тадқиқотларни олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришни, бу борада фаолиятни ҳуқуқий, ташкилий-тактик, моддий-техник ва кадрларга оид асосларини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

туман (шаҳар)лар миқёсида жамоат жойларида ва алоҳида шароитларда шартномавий-ҳуқуқий асосда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини ташкил этишга доир маҳаллий ҳокимликларнинг ваколатларини кенгайтиришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4075-сон қарорининг 15-бандини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 16 ноябрдаги 26-3245-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар туман (шаҳар) даражасида оммавий тадбирлар давомида ва жамоат жойларида жамоат хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари ходимларини шартнома-ҳуқуқий асосда хизматга жалб қилиш орқали жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

маъмурий ҳудудларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядлари турини танлаш ва фаолиятини ташкил этиш имконини берувчи бошқарув моделларини амалиётга жорий этиш, хусусан, Тошкент шаҳри ва бошқа катта шаҳарларда жамоат тартибини сақлаш

ва хавфсизликни таъминлаш бўйича отлик патруль отрядларининг вазифаларини аниқ белгилашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2940-сон қарорининг 3-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 16 октябрдаги 15-2512-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши, жамоат жойлари, хусусан марказий кўчалар, дам олиш зоналари ва аҳоли гавжум бўладиган бошқа жойларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарларни ушлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини моддий-техник жиҳатдан такомиллаштириш, хусусан, нарядларни бевосита ушбу тизим учун ихтисослаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган автотранспорт воситалари билан таъминлаш, замонавий янги авлод махсус техник воситалари билан тизимли равишда қуроллантиришга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 18 апрелдаги 111-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари устави»нинг 85-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 29 декабрдаги 15/3989-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий этилиши патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг моддий-техник таъминоти ва махсус воситалар билан қуролланишини такомиллаштириш орқали фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти натижаларини баҳолаш мезонларини ҳуқуқий белгилаш, ушбу тизимга интеллектуал ва касбий салоҳияти, маънавий-ахлоқий савияси юқори, дунёқараши кенг ходимларни танлаб олиш имконини берувчи махсус-профессиял танловни жорий этишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 августдаги «Тошкент шаҳрининг жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибида хизмат ўтаётган ходимлар ва ҳарбий хизматчилар фаолиятини баҳолаш ва уларга бир марталик пул мукофотини тўлаш мезонларини белгилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 697-сон қарорининг 5-7-бандларини (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрдаги 12/20-12-сон маълумотномаси), шунингдек Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 23 сентябрдаги 207-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 37-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 10 августдаги 2/2716-сон маълумотномаси). Таклифларнинг жорий этилиши патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядларининг фаолиятини баҳолаш самарадорлигини ошириш ҳамда тизимни юксак маънавий-ахлоқий фазилат ва масъулиятга эга бўлган профессионал кадрлар билан таъминлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 3 та халқаро, 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар, жумладан 2 та ўқув қўлланма ва диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 8 та (шундан 2 таси хорижда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 156 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг ўрганилганлик даражаси ҳамда диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, илмий изланиш давомида фойдаланилган усуллар, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, улар бўйича нашр этилган ишлар, шунингдек диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини бошқаришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари**» деб номланган бўлиб, унинг «*Патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ҳуқуқий мақоми ва улар фаолиятини бошқаришнинг моҳияти*» номли биринчи параграфда патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ҳуқуқий мақоми, асосий йўналишлари ва уларни бошқаришнинг моҳияти тадқиқ этилган.

Муаллиф томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг концептуал қарашлари (ғоялари), юридик адабиётлар ҳамда ҳуқуқшунос олимлар (И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С. Мухторов, М.В. Сергеев, Ч.Д. Ҳейл, А.В. Губанов, Д.В. Кураковлар)нинг тегишли фикрларига мурожаат қилган ҳолда, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг вазифалари хусусиятларига кўра таснифланган ва бу орқали уларнинг асосий вазифаси жамоат тартибini сақлаш ва хавфсизликни таъминлашдан иборат эканлиги (сўровда иштирок этган мутахассисларнинг 80,1 фоизи ҳам маъқуллашган), шунга қарамай улар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши кураш ва уни фож этиш, мулкни кўриқлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишда ҳам иштирок этишларини

кўрсатган ҳолда, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолияти кўп қиррали эканлиги таъкидланади.

Тадқиқотчининг фикрича, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятининг асосий йўналишларини шартли равишда: а) жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш; б) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; в) жиноятларни фош этиш, жавобгарлик ва жазо муқаррарлигини ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда давлат органлари ва муассасалари, ички ишлар органларнинг бошқа таркибий бўлинмаларига кўмаклашиш каби йўналишларга ажратган ҳолда ўрганиш, бу борада тизимли, изчил ва чуқур ёндашиш, соҳада юзага келаётган муаммоларнинг ечимига хизмат қилувчи илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқотчи томонидан соҳа олимларининг фикр-мулоҳазалари, бу борадаги илмий-тадқиқотлар натижалари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳли-лидан келиб чиқиб, қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифи берилган:

*патруль-пост хизмати* – ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳар қандай жиноий ва маъмурий тажовузлардан маъмурий-ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича кўчалар ва жамоат жойларида, қўриқловга олинган маҳсулотларни кузатиб боришда, йўловчи поездларда ва белгилаб берилган жойларда муайян шакл ва усулларда хизмат ўташи;

*патруль-пост хизмати саф бўлинмалари* – кўча ва жамоат жойларида, транспорт объектларида, қўриқловга олинган маҳсулотларни темир йўл орқали манзилларига кузатиб бориш ва йўловчи поездларда ҳамда бошқа белгиланган пост ва патрулик йўналишларида жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича қонун ҳужжатлари билан зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширадиган ички ишлар органларининг таркибий тузилмаларидир;

*ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқариш* – патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқий, ташкилий-тактик ва методик, моддий-техникавий ҳамда кадрлар билан таъминлаш орқали амалга ошириладиган маъмурий фаолиятдир.

Тадқиқотчининг фикрича, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришнинг мазмуни ва моҳиятига кўра муайян асослари (фундаменти) қуйидагича таснифланади: а) бошқаришни тартибга солувчи қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олувчи – ҳуқуқий асослар; б) маъмурий ҳудудни бириктириш, фаолиятни ахборот билан таъминлаш, режалаштириш, бошқарув қарорини қабул қилиш ва ижросини таъминлаш, куч ва воситаларни мақбул жойлаштириш, манёвр қилиш, фаолиятни таҳлил қилиш, ҳисоб иши, назорат, баҳолаш, фаолиятни илмий-методик таъминлаш каби бошқарув шакллари қамраб олган – ташкилий-тактик ва илмий-методик

асослар; в) замон талаблари даражасидаги бино, транспорт, техника ва алоқа воситалари, дастурий (технология) ва иш жиҳозлари билан таъминлашни назарда тутувчи – моддий-техник асослар; г) патруль-пост хизмати саф бўлинмалари учун етук мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб боришни назарда тутувчи – кадрларга оид асослар.

Диссертация биринчи бобининг *«Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари»* деб номланган иккинчи параграфидида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасини, шу жумладан патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш амалиёти ўрганилган, ушбу соҳадаги муаммо ва камчиликлар тадқиқ этилган.

Муаллифнинг фикрича, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари: *энг аввало*, ушбу соҳани бевосита ҳуқуқий тартибга солувчи қонунни қабул қилиш; *иккинчидан*, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага доир тегишли фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бевосита патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этишга доир вазифаларнинг ижросини тўлиқ ва сифатли таъминлаш; *учинчидан*, бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илғор тажриба ва иш усуллари сифатида амалиётга жорий этилган моделларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш; *тўртинчидан*, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг соҳага доир идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини чуқур мониторинг қилиш, ҳуқуқий тафтишдан ўтказиш ҳамда тизимлаштириш орқали улардаги камчиликларни бартараф этишни тақозо этади. Чунончи, бугунги кунга қадар патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўйича жами 67 та, шундан 22 та умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари – 3 та Президент қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 16 та қарорлари ва 3 та фармойиши ҳамда 45 та ИИВнинг – 31 та буйруқ, 1 та фармойиш ва 13 та қўшма қарорлари қабул қилинган.

Иккинчи боб **«Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-тактик, моддий-техник ва кадрларга оид асослари»** деб номланган бўлиб, *«Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-тактик асослари»* ва *«Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини бошқаришнинг моддий-техник ва кадрларга оид асослари»* номли параграфларни ўз ичига олган ҳамда ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришнинг ташкилий-тактик, моддий-техник, кадрларга оид асосларининг бугунги ҳолати тадқиқ этилган ва уни такомиллаштириш механизмлари кўрсатиб берилган.

Тадқиқот ишида У. Таджиханов, И. Исмаилов, С.Т. Ахмедова, А.Д. Уल्याнов, В.Л. Симонов, М.Г. Жақинта, Д.Г. Ганис, С.Г. Пожидаев, И.В. Потапенкова, А.Н. Герасименко, А.Ю. Звонарева, Д. Бажрамспа каби олимларнинг илмий-назарий асарлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

таҳлилига асосланиб, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришнинг ташкилий-тактик асосларининг моҳияти ва ўзига хос томонлари тадқиқ этилган.

Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-тактик асосларини: *биринчидан*, ташкилий тузилиши, таркиби ва бошқарув тизими; *иккинчидан*, бошқаришнинг ташкилий-тактик асосларини ҳаракатга келтирувчи бошқарув функцияларига ажратиб ўрганиш ушбу доирадаги бошқарув элементларини тўлиқ ва тизимли тадқиқ этиш, соҳадаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф қилишга хизмат қилувчи ечимларни топиш, шунингдек патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришни такомиллаштиришга хизмат қилувчи чоратadbирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Ишда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари моддий-техник таъминотининг бугунги кундаги амалиёт ҳолати ўрганилган, ушбу йўналишда мавжуд муаммо ва камчиликлар тадқиқ этилган. Жумладан, диссертантнинг фикрича, а) патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятида инновацион технологиялар ва махсус дастурий тизимлар етарли даражада жорий этилмаган; б) ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятининг истиқболли моддий-техник таъминотига доир республиканинг айрим ҳудудларида йўлга қўйилган ижобий тажрибаларни бошқа ҳудудларга кенг ёйиш борасидаги ишларни етарли даражада деб бўлмайди; в) патруль-пост хизмати нарядлари ички ишлар органларининг кўча ва жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни амалга оширувчи асосий ва биринчи бўғини сифатида фуқаролар билан боғлиқ юзага келадиган турли салбий ҳодисалар ва ҳолатларда уларга биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш имконига эга бўлса-да, уларнинг бунга лаёқатини етарли деб бўлмайди; г) амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, патруль-пост хизмати нарядларига хизмат кўрсатиш ҳудудида жиноят содир этилганда ҳодиса жойини қўриқлаш, жиноят излари ва далилий ашёлар йўқолишининг олдини олиш вазифалари юклатилган бўлса-да, амалда улар ушбу вазифа ижросини таъминлаши учун зарур ашё ва буюмлар билан таъминланмаган.

Тадқиқот ишида ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятида ютуқлар ва ижобий натижалар билан бир қаторда ҳанузгача кадрлар билан боғлиқ муайян муаммо ва камчиликлар ҳам мавжудки, уларни бартараф қилмай туриб, бу борада самарадорликка эришиб бўлмайди, деган хулосага келинган. Жумладан: а) ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда шахслар билан бевосита мулоқотга кирувчи ички ишлар органларининг дастлабки ва муҳим чизиғи ҳисобланса-да, мазкур хизматга номзодларни танлаш бўйича амалда белгиланган тартиб бугунги кун талабларига етарлича жавоб бермайди. Хусусан, республикада туризмни ривожлантириш ва чет эл инвесторларини кенг жалб қилиш муҳим вазифалардан бирига айланган бугунги кунда хорижий меҳмонлар билан тўғридан-тўғри ҳокимият вакили сифатида мулоқотга кириши мумкин бўлган патруль-пост

хизмати саф бўлинмаларининг ходимлари таркибига номзодларни танлашда уларнинг чет тилларини билиш даражасини инобатга олиш мезонлари мавжуд эмас. Бинобарин, сўровда қатнашган патруль-пост хизмати нарядларининг 57,2 фоизи хорижий тилларни билмаслиги боис чет эл фуқаролари томонидан қилинган мурожаатларга жавоб қайтаришда муаммоларга дуч келганликларини таъкидлаган; б) ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари учун мутахассис офицер кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тартибини талаб даражасида деб бўлмайди. Хусусан, амалдаги тартибга мувофиқ ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларидаги офицерлик лавозимларининг малакали мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш, фуқаролик олий ўқув юртларини битирган ва олти ойлик ўқув дастури асосида махсус касбий тайёрланган кадрлар ҳисобидан амалга оширилиб келинаётган бўлса-да, мазкур қисқа муддатга мўлжалланган махсус касбий тайёрлаш ўз ичига транспорт объектлари ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини соҳа хусусиятларидан келиб чиқиб, самарали ташкил этишда криминоген вазиятларни таҳлил қилиш, қўл остидаги нарядларни тезкор тадбирларда, жиноятларни фош этишда иштирок этиш ҳамда бевосита фош этиш каби қобилиятларини шакллантиришда муҳим ўрин тутадиган бошқарув ва ахборот-таҳлил фаолияти, тезкор-қидирув фаолияти каби бир қатор махсус фанларни қамраб олмаган. Бу борада патруль-пост хизмати саф бўлинмалари томонидан жиноятларни фош этишдаги иштирокининг сўнгги беш йиллик (2015 – 2019) статистик таҳлили, ўтган йилларга нисбатан ўртача 38,9 фоизга ва бевосита фош этишдаги салмоғи эса ўртача 29,6 фоизга камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Ишнинг учинчи боби **«Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни ривожлантириш йўллари ва истиқболлари»**га бағишланган бўлиб, у ўз ичига *«Патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришга доир хориж тажрибасининг илмий таҳлили»* ва *«Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари»* параграфларини қамраб олган. Мазкур бобда патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришга доир хориж тажрибаси ўрганилган ва миллий тизимга татбиқ этиш юзасидан тавсиялар берилган ҳамда патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари кўрсатиб берилган.

Тадқиқотчи томонидан бир қатор хорижий давлатлар (АҚШ, Франция, Италия, Испания, Исроил, Хитой, Япония, Россия) амалиёти ўрганилган ҳамда ижобий тажрибаларни миллий тизимга татбиқ этиш бўйича тавсиялар берилган. Муаллифнинг фикрича, мазкур давлатларнинг аксариятида фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришга хизмат қилувчи замонавий дастурий таъминотлар, янги авлод алоқа ва компьютер технологиялари, қурилмалар, авто-мототранспорт воситаларининг кенг жалб этилганлиги ҳамда маъмурий-ҳудудий бирликларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бошқарув моделларининг яратилганлиги билан боғлиқ хусусиятлари ажралиб туради. Масалан, АҚШ полицияси тизимидаги патруль хизматлари кучини

тақсимлаш ишини бажарадиган компьютерлаштирилган статистика (Compstat) деб номланувчи тизим, Европа Иттифоқи давлатларида патруль хизматларини ахборот билан таъминлашга мўлжалланган компьютерлаштирилган ахборот тизими, Японияда қўшимча патруллик кучларини талаб қиладиган жойларни аниқлаш бўйича жинойтларни башорат қилиш ва олдини олиш учун сунъий интелект тизимлари (predict) ҳамда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятига замонавий янги авлод техник воситалари, хусусан, «ақлли» кўзойнаклар (Хитой тажрибаси), махсус дронлар (Франция тажрибаси), қўриқлаш ва патруллик қилишда фойдаланишга мўлжалланган полициячи роботлар (Дубай шаҳри тажрибаси) бугунги кунда амалиётда ижобий натижалар бериб келаётганлиги таъкидлаб ўтилган.

Тадқиқот ишида патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришнинг самарадорлигини янада ошириш муаммолари кўп жихатдан таҳлил этилаётган соҳанинг ҳуқуқий, ташкилий-тактик, моддий-техник ва кадрларга оид асосларига бевосита боғлиқ деган хулосага келинган. Диссертантнинг фикрича, мазкур йўналишларда вужудга келаётган муаммо ва камчиликларни ҳал этиш фаолият самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этади. Бу борада сўровда иштирок этганларнинг 33,0 фоизи соҳани ҳуқуқий таъминлаш бўйича, 16,5 фоизи ташкилий-методик таъминлаш бўйича, 41,8 фоизи моддий-техник таъминлаш бўйича ҳамда 8,7 фоизи кадрлар билан таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблашган.

Муаллифнинг фикрича, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда муҳим ўрин тутадиган мукамал қонунларни яратиш мақсадга мувофиқ (сўровда қатнашганларнинг 44,3 фоизи ҳам маъқуллашган). Шу билан бирга, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришни ҳуқуқий тартибга солувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни замон талабларига мослаштириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг устави», «Бозорлар ва савдо ярмаркалари ҳудудида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича йўриқнома» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёргарлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом»ларига, *биринчидан*, норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунига қўйиладиган талабларидан келиб чиққан ҳолда, ҳавола этилаётган асосий тушунчаларни ягона шаклда бериш, худди шундай норматив кучга эга бўлган бошқа идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган нормаларнинг айнан такрорланиши ёки бир-бирига зид кўринишда белгиланишига йўл қўймаслик; *иккинчидан*, мотоцикл ва велосипедларда патруллик қилишнинг алоҳида патруль тури сифати ҳуқуқий мақомини белгилаш; *учинчидан*, соҳанинг сафдорлик лавозимида кўп йиллик фаолият юритиб, ўзини ижобий томондан кўрсатган ходимларга, чет тилларини билиш даражаси юқори бўлган, тегишли ихтисослик фани бўйича халқаро ва республика фан олимпиадаларининг ғолиби бўлган ҳамда давлат мукофотини олган номзодларга имтиёзлар бериш кабиларни инобатга олган ҳолда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати асослантирилган ҳамда бу борадаги таклифлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган (сўровда иштирок



этган мутахассисларнинг 82,4 фоизи ҳам соҳага оид амалдаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни замон талабларига мослаштириш лозимлигини таъкидлаган).

Тадқиқотчининг фикрича, туман (шаҳар)лар миқёсида туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан шартномавий-ҳуқуқий асосда фаолият юритадиган патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятининг йўлга қўйилиши улар томонидан нафақат бозорлар, йирик савдо, кўнгилочар, дам олиш мажмуалари ва марказларида, балки туман (шаҳар) даражасидаги доимий ва мавсумий қишлоқ хўжалик ишлари билан боғлиқ бўлган тадбирларда ҳам мазкур жойларда фаолият кўрсатувчи юридик шахс (бозор маъмурияти, кластер ёки фермер хўжалиги каби)лар билан тузиладиган шартномаларга мувофиқ пулли асосда хизмат кўрсатишни жорий қилиш имконини беради.

Ушбу бобда муаллиф томонидан маъмурий ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини, жумладан жўғрофий жойлашуви, аҳолиси, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, маданий, давлат аҳамиятига эга ва бошқа хизмат кўрсатиш объектларининг мажудлиги, жинойтчиликнинг кўрсаткичлари, шакл ва усулларини инобатга олган ҳолда, патруль-пост хизматини ташкил этиш бўйича ҳар бир ҳудудларнинг муайян моделлари ҳамда диагностик дастурий тизимлар билан таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги асослантилган. Бундай моделлар ҳамда диагностик дастурий тизимларнинг яратилиши, патруль-пост хизматининг куч ва воситаларини самарали тақсимлаш, уларни манёвр қилиш, хусусан кўшимча патруллик кучлари талаб қилинадиган жойларни аниқлашда жинойт ва ҳуқуқбузарликларни олдиндан башорат қилиш имкониятини беради.

Тадқиқот ишида ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядларига куну-тун фаолиятлари юзасидан ижтимоий тармоқлар (телеграм), телефон ва бошқа воситалар орқали ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бориши мумкин бўлган марказларни ташкил қилиш зарурати асослантилган (сўровда қатнашганларнинг 89,9 фоизи ҳам маъқуллашган). Бундай марказларнинг ташкил қилиниши, саф бўлинмалари нарядларини дуч келиши мумкин бўлган турли ностандарт вазиятлардан чиқиш, касбий ва ҳуқуқий билимларини мунтазам бойитиб бориш, лавозимга янги тайинланган ходимларни хизматга тезда киришишга кўмаклашиш, хизмат ҳудуди ва фаолиятга оид тезкор ҳамда зарур ахборот билан таъминлаш орқали самарали бошқариш имконини беради.

Тадқиқотда ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари моддий-техник таъминотини такомиллаштиришга қаратилган тизимли ва изчил чора-тадбирларни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш лозимлиги асослаб берилган: *биринчидан*, патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини барча учун оммавий тарзда ишлаб чиқарилиб, кейин хизмат учун қайта мослаштирилган транспорт воситалари билан таъминлаш тизимидан махсус буюртма асосида, хусусан узоқ муддат давомида турли об-ҳаво шароитида тўхтовсиз патруллик қилишни кўзда тутган ҳолда кучайтирилган двигатель ва зарур замонавий тизимларга эга бўлган, хизматда фойдаланиш зарурати мавжуд асбоб ва ускуналар билан жиҳозланган, радио, сирена ва ёруғликни бошқариш воситалари, манзиллар тизими (навигатор), уяли телефон, радар қурилмалари ва кўплаб

маълумотлар базалари билан бевосита уланган мобил компьютер қурилмалари, биринчи тиббий ёрдам ва тегишли детектор тўпламлари билан жиҳозланиб ишлаб чиқилган автотранспорт, мотоцикл ва велосипедлар билан таъминлаш тизимига ўтиш чораларини кўриш (сўровда қатнашганларнинг 79,2 фоизи ҳам маъқуллашган); *иккинчидан*, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари нарядларининг кундалик шароитда хизмат ўташга тушаётганида ёнида бўлиши зарур бўлган жиҳозларни замон талаби асосида қайта кўриб чиқиш ва уларни олиб юришга қулай бўлган енгил ва самарали воситалар билан таъминлаш орқали ихчамлаштириш ҳамда зарурий кўшимчалар киритиш. Бундай зарурий кўшимчаларнинг киритилиши, махсус воситаларни хизмат давомида ўзи билан олиб юришда ва ундан самарали фойдаланишда қулайликлар яратиш ҳамда юклатилган вазибаларни тўлақонли бажариш имконини беради (сўровда қатнашганларнинг 73,6 фоизи ҳам маъқуллашган); *учинчидан*, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятига замонавий янги авлод техник воситалари, хусусан, «ақлли» кўзойнақлар, махсус дронлар, кўриқлаш ва патруллик қилишда фойдаланишга мўлжалланган полициячи роботлар ва маълумотлар базасига уланган махсус планшетларни жорий этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш. Хусусан, махсус дронлар, кўриқлаш ва патруллик қилишда фойдаланишга мўлжалланган полициячи роботларни хизматда қўллаш, тунги ёки куннинг айрим вақтларида шубҳали объектлар ва қўчалардаги ҳаракатларни текшириш ҳамда патруль куч ва воситаларининг ҳаракати чекланган ҳудудларда патруллик хизматини самарали ташкил этиш имконини беради.

Диссертант томонидан ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари тизимини профессионал кадрлар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги асосланган: *биринчидан*, ИИВ таълим муассасаларида патруль-пост хизматининг сержант ва офицерлар лавозими учун мутахассисларни тайёрлаш учун номзодларни танлашда соҳанинг сафдорлик лавозимида кўп йиллик фаолият юритиб, ўзини ижобий томондан кўрсатган ходимларга, чет тилларини билиш даражаси юқори бўлган, тегишли ихтисослик фани бўйича халқаро ва республика фан олимпиадаларининг ғолиби бўлган ҳамда давлат мукофотини олган номзодларга имтиёзлар бериш мезонларини ишлаб чиқиш (сўровда қатнашганларнинг 69,1 фоизи – соҳанинг сафдорлик лавозимларида кўп йиллик меҳнат фаолиятини; 23,7 фоизи – чет тилини билиш даражасини; 7,2 фоизи – тегишли ихтисослик фани бўйича халқаро ва республика фан олимпиадаларининг ғолиби бўлган ҳамда давлат мукофотини олган номзодларга ўқишга киришда имтиёзлар беришни маъқуллашган); *иккинчидан*, махсус-профессионал танловларга ахборот технологиялари ва чет тили фанлари бўйича синовларни ҳам киритиш (сўровда қатнашганларнинг 83,8 фоизи ҳам маъқуллашган); *учинчидан*, ИИВ Академияси кундузги таълимида «Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» мутахассислиги бўйича офицер кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш (сўровда қатнашганларининг 84,1 фоизи ҳам маъқуллашган).

Диссертациянинг **хулоса** қисмида асосий илмий натижалар (хулоса, таклиф ва тавсиялар) келтирилган.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини бошқаришни такомиллаштиришга доир қуйидаги илмий-амалий хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар илгари сурилди:

**I. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришга доир илмий-назарий билимларни бойитишга қаратилган хулосалар:**

1. Патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини тизимли ва манتيқий изчилликда ўрганиш асосида, унинг асосий фаолият йўналишларини учга: а) жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш; б) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; в) жиноятларни фош этиш, жавобгарлик ва жазо муқаррарлигини ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда давлат органлари ва муассасалари, ички ишлар органларининг бошқа таркибий бўлинмаларига кўмаклашиш бўйича фаолиятларига ажратган ҳолда тақсимлаш мақсадга мувофиқдир.

2. *Патруль-пост хизмати* – ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳар қандай жиноий ва маъмурий тажовузлардан маъмурий-ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича кўчалар ва жамоат жойларида, кўриқловга олинган маҳсулотларни кузатиб боришда, йўловчи поездларда ва белгилаб берилган жойларда муайян шакл ва усулларда хизмат ўташи.

3. *Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари* – кўча ва жамоат жойларида, транспорт объектларида, кўриқловга олинган маҳсулотларни темир йўл орқали манзилларига кузатиб бориш ва йўловчи поездларда ҳамда бошқа белгиланган пост ва патрулик йўналишларида жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича қонун ҳужжатлари билан зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширадиган ички ишлар органларининг таркибий тузилмаларидир.

4. *Патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқариш* – патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқий, ташкилий-тактик ва методик, моддий-техникавий ҳамда кадрлар билан таъминлаш орқали амалга ошириладиган маъмурий фаолият.

5. Патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришга доир хориж давлатлари тажрибасининг ўзига хос хусусиятлари: *биринчидан*, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришга хизмат қилувчи замонавий дастурий таъминотлардан фойдаланилишида; *иккинчидан*, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятига ва уларни бошқариш тизимига замонавий янги авлод алоқа ва компьютер технологиялари, техник-воситалар, қурилмалар, авто-мото-транспорт воситаларининг кенг жалб этилишида; *учинчидан*, ҳар бир маъмурий-

ҳудудий бирликнинг, муайян хизмат ўташ даврининг, хизмат олиб бориладиган муайян йўналиш ва постнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишни тизимли ташкил этиш ва бошқариш имконини берувчи моделлар жорий этилганлигида намоён бўлади.

## **II. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар:**

